
Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси қайд этилганлар сони 15349 (+283) нафарни ташкил этмоқда

2020 йил 17 июль соат 10:00 ҳолатига кўра, Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси қайд этилганлар сони 15349 (+283) нафарни ташкил этмоқда.

Янги касалланиш ҳолатларининг 93 нафари Карантин марказидаги (барчаси хориждан келган) фуқаролар орасида, 144 нафари Тошкент шаҳрида тана ҳарорати кўтарилганлиги туфайли профилактика мақсадида ҳамда коронавирусга чалинган беморлар билан мулоқотда бўлганлиги сабабли намуна олинган фуқаролар орасида, 25 нафари Самарқанд вилоятида, 21 нафари Сурхондарё вилоятида коронавирусга чалинган беморлар билан мулоқотда бўлганлиги сабабли намуна олинган фуқаролар орасида аниқланган. □Айни пайтда юртимизда 8783 нафар коронавирус инфекциясига чалинган фуқаролар соғайган. !!Ҳозирда мамлакатимизда 6490 нафар беморга шифокорларимиз томонидан белгиланган стандартлар бўйича даво чоралари кўрилмоқда. Улардан 58 нафари оғир, 7 нафари эса ўта оғир аҳволда.

2020-07-17 12:11:20